







**Хоразм кулолчилиги ўзига хослиги билан ажралиб туради. «Ўзбекистоннинг замонавий керамикаси» (Москва, 1963 йил) китобида унга доир куйидаги маълумотни ўқиш мумкин: «Хоразм керамикаси энг қадимий бўлиб, у воҳанин ХII асрдаги керамикасига ўхшаб кетади. 50-йилларга келиб Хива ва Хонкада керамика саноати, айниқса, ривож топди. Уша даврда Абдурахмон Ёқубов тайёрлаган кулолчилик махсусотларига талаб ниҳоятда кучли эди. Абдурахмоннинг 12 авлоди кулол ўтган. Хоразм кулолчилиги тарихида бу сулоланнинг хиссаси катта». Дарвоқе, Султонмурод боболари кўхна Урганчда Хоразмшоҳлар саройида, кейинчалик Хива хонлари саройида кулол бўлиб ишлаган.**

Махшур кулол Абдурахмон Ёқубовнинг ўғли Султонмурод Урганч шаҳрида яшади. У сулоланнинг давомчиси сифатида фаолият олиб бориб, Тошкент Бадий академиясининг Урганчдаги лицейида кулолчилик санъатини дарс беради.

Қадимий Хоразмда ўзига хос озиқ-овқат ва сув сақлайдиган махсус идишлар бўлган. Булар хум, кўза, дигир, боёла, тоғора, лаган деб аталган. Бу кулолчилик махсусотларининг хусусиятлари шундаки, улар ниҳоятда арзон хомашедан ишланганидан ташқари, озиқ-овқатлар ва сувни узоқ вақт бузилмасдан сақлаш имконини беради.

## КУЛОЛЛАР СУЛОЛАСИ

Кулоллар бу идишларга ишлатиладиган гил (лој)ларни чул этаклари ва кўлардан олиб келганлар. Сунг гилга турли хил гихлар аралашмаси қўшилган. Энг муҳими, бу тош безаклар ва бўёқлар ташқи таъсирларга ниҳоятда чидамли бўлган. Хива гумбазлари ва минораларидаги нақшларнинг жило-сича асрлардан буён қўбнинг оловли нафасларига дош бериб, кўларни камаштириб турганлигининг сири ҳам ана шунда. Бу жилваларда Султонмуроднинг ота-боболари маҳорати ва қалб ҳарорати бор. Бу гўзаллик айна пайта бутун дунё

гача тўлиқ аниқлай олишмаган.

Воҳода ўтган аср бошларида кулолчилик ширкатлари, артеллари, маҳаллий саноат корхоналари тузила бошланган. Хоразмлик хунармандлар ҳам вакил сифатида республика ва халқро ташкилотлар кўргазмаларида иштирок эта бошладилар. 1936 йилда Абдурахмон ота Париж шаҳрида бўлиб ўтган йирик халқаро кўргазмада ўзининг кулолчилик буюмлари билан қатнашиб, дунё олимлари эътиборига сазовор бўлди.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари кўлгина ташкилотларда ишлар тўхтаб қолганлиги ту-

## Хунармандчилик

фаил, айниқса, сопол идишларга талаб ошиб кетди. Халқ эhtiёжларини қондириш мақсадида вилоятдаги маҳаллий саноат корхоналари бетўхтов ишлаб турди. Айниқса, Абдурахмон ота ва унинг шогирдлари томонидан тайёрланган чойнак, коса, кўза, дигир, хум сингари буюмларнинг бозори ниҳоятда чаққон

бўлиб қолди. Уша йилда Хоразмда сургориш тармоқларида ишлатиладиган чигир ясаш унун асосан кўзалардан фойдаланишар эди. Кулолларнинг асосий вақтлари кўза ясаш билан ўтарди. Бундан ташқари, уруш йиллари фронтдаги юрдошларига хум идишларни лик тўлдирган холда мева-чевалар юбориш одат тусига кирган эди. Уша вақтда хали металлургия саноати етарли шаклланмагани учун ҳам кулолчилик махсусотлари эhtiёж ниҳоятда кучли бўлган.

Абдурахмон ота Хива шаҳри эски минора ва мадрасаларини таъмирлашда ҳам

фаол иштирок қилади. У кўпроқ қошин устаси бўлиб танилган эди.

Султонмурод Ёқубов ота-боболари ишни давом эттириб, узоқ йиллар кулолчилик билан шуғулланди. Кейинчалик унинг фаолияти кулолчилик санъатининг тарғибот-ташвиқоти билан боғлиқ бўлади. Ҳш авлодга қадимий касб бўйича таълим-тарбия бера бошлади. Унинг айтишича, истиқлол кулолчилиги санъати учун янги имкониятлар эшигини очиб берди. Энди унинг ёрдамида пишқи ва сифатли шиферлар, тош қувурлар, замонавий идишлар ясаш мумкин. Бу идишлар металл буюмларга қараганда экологик тоза ва мустаҳкамдир. Аҳамиятлиси, кимёвий моддаларни аралаштирмадан тоза бўёқлар олишни йўлга қўйиш имкони бор.

Султонмурод ун бешинчи давомчиси – Султонмуроднинг ўғли Эркин эса Урганч шаҳридаги ёш табиатшунослар марказида кулолчилик тўғрисидаги буюмларни таъмирлашда ҳам

Э.ЭРКИНОВ

## РАССОМЛАР

**ЖУРНАЛИ**

Республика рассомлари тез кўнларда ўзларининг махсус журналига эга бўлади, деди Ўзбекистон Бадий академияси Қорақалпоғистон бўлимининг илмий котиби Олшайбай Реймов «Туркистон-пресс» муҳбирига. «Айни кўнларда «Санъат» журналининг биринчи сони нашрга тайёрланмоқда. Журналда республика рассомларининг ҳаёти ва ижоди тўғрисида мақолалар бериб борилади.

О. Реймовнинг таъкидлашича, жорий йилда қорақалпоғистонлик рассомларнинг кўргазмалари олти марта ташкил этилди. Шунингдек, «Биенале-2003» кўргазмасидан ўз рассом қатнашиб, асарлари янги баҳоланди. Д. Тураниёзов Ўзбекистон Бадий академиясининг кумуш медали, А. Еримбетов академиясининг дипломи, ҳайкалтарош Ж. Тўлегенов «Шухрат» медали билан тақдирланди. Рассомлар айна пайтада «Сув-бу ҳаёт» таловига тайёргралик кўришмоқда.

## Мақоллар — эзгуликка етаклар

*Болалигимда буйвимадан эртақ, мақол, топишмоқ эшитишни жуда яхши қўрадим. Ботир пахлавонлару гўзал маликалар ҳақидаги саргузаштлар кизиқ-шимини янада ортирарди. Айниқса, буйвожим, ҳаргал эртақ сўйғида воқеаларга ҳулоса тлашжа мақол айтишлари мени ажаблантирарди. Илзида бори-ча уларни ёллаб олишга ҳаракат қилардим...*

## АҚЛ ҲИКМАТ ИЛА КАМОЛ ТОПАДИ

Инсон ақл-тафаккури кенгайган сари, дунёни кенроқ англаша, воқеа-ҳодисалар борасида тараққий қилиб юриштига ҳаракат қилади. Ўзбек халқ оғзаки ижодиётида муҳим ўрин эгаллаган мақоллар эса яхшилик, эзгулик амалларига чорлайди. Уларнинг ҳар бирида инсон дилига яқин ҳикमतлар, ота-онага, дўсту биродарларга ҳурмат, меҳр-муҳаббат туйғулари акс этган.

Масалан, куйидаги мақолни таҳлил қилиб кўрайлик.

Дўст билан дилдош бўл.

Килар ишга қўлдош бўл!

Этибор қилсак, бунда дўстинг билан дилин яқин бўлсин, унинг ҳурматини жойига қўй, ҳар қандай вазиятда ҳам ёнида тур, деган фикр уқтирилади. Ёки яна бир мақолада: «Дўстингга отилган кеоакнинг чанги сенинг кўзингга тушади», — дейилади. Бундан ҳам қуриндики, дўст – инсон ҳаётида муҳим ўрин эгаллайдиган шахс. Шундай экан, унинг яхши кўнида ҳам, ёмон кўнида ҳам ёнида бўлиб, қувончига шерик, дардига малҳам бўлмоқлик керак.

– Дўстинг минг бўлса ҳам оз, душманин бир бўлса ҳам кўп. Дўсти кўпни ёв олма, дўст-дўстнинг таяничи...

Юқоридиги мақолларнинг барчасида дўстлик, меҳр-оқибат тўшунчаларини нақадар кучли эканлиги, кишининг дўсти қан-

## Спорт хабарлари

**УЛЬЯНАНИНГ ОЛТИН МЕДАЛИ**

Россия пойтахти Москва шаҳрида бадий гимнастика бўйича ташкил этилган «Олтин ярпоқ» халқро турнирида ўн мамлакатнинг 150 нафар гимнастикачиси каторида ўзбекистонлик спортчилар ҳам юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишди.

Жумладан, навоийлик Ульяна Трофимова кўпқўраш баҳсларида галаба қозониб, олтин медалга сазовор бўлди. Тошкентлик Рита Алимовага бронза медал насиб қилди. Шунингдек, Бухоролик қизлар – Мая Филиппова, Зарина Исроиловбекова, Мохосит Жўраева ҳам ижобий натижаларни қайд этди.

Президентимиз Исроил Каримов ташаббуси билан юртимизда спортга, жумладан, бадий гимнастика ривожига ҳам жиҳдий эhtiёбор қаратилмоқда, — деди Ўзбекистон бадий гимнастика федерацияси бош котиби Зарина Абдуллаева. — Бунинг самараси ўлароқ, ёш гимнастикачиларимиз нуфузли турнирларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда. «Олтин ярпоқ» халқро турнирида У.Трофимова қўлга киритган олтин медал мустақиллик йилларида ёш гимнастикачилар қайд этган энг юқори кўрсаткичидир.

Бундан ташқари, бадий гимнастикачиларимиз Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида ўтказилган халқро турнирда ҳам муваффақиятли қатнашди. Ушбу мусобақада Евгения Хахам иккинчи поғонага кўтарилган бўлса, Екатерина Бабинага учинчи ўрин насиб қилди.

## ТАЭКВОНДОЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Қозоғистонда таэквондонинг ПТФ йўналиши бўйича ўтказилган халқро турнирда спортчиларимиз муваффақиятли қатнашди. Моҳир таэквондочиларимиз эркақлар ўртасида жамоавий массого баҳсларида биринчи ўринни эгаллаган бўлса, тил беллашувларида уларга иккинчи ўрин насиб қилди. Жамоавий тил ва массого баҳсларида ўзбекистонлик қизлар барча рақибларини орта қолдириб, шохсупаниннг энг юқори поғонасидан жой олди.

Қизлар ўртасида Л.Кутимбетова ва Ш.Довирова яққалик баҳсларида барча рақибларини енгган бўлса, А.Ким спорт техникаси учун олтин медалга сазовор бўлди. Шунингдек, хамюртларимиздан З.Юсупова, О.Зиёев, Л.Каримов, Ҳ.Каримов, А.Ажибеков, Ф.Рустамов ҳам совриндорлар қаторидан жой олди.

## НОРМУХАММАД ПОЛВОН БАРЧАНИ ҚУВОНТИРДИ

Франциянинг Ницца шаҳрида фахрий самбочилар ўртасида жаҳон чемпионати ўтказилди. Унда мамлакатимиз шарафини қорақўллик 58 ёшли Нормуҳаммад Юсупов ҳимоя қилди.

74 кг вазнда гиламга тушган хамюртимиз дастлаб немис ва француз полвонларини ендиб, ярим финалда россиялик эти қарра жаҳон чемпиони Григорий Буторский билан беллашди. Улар бундан 40 йилча аввал ҳам гиламга учрашишган, ўшанда рус йигити Нормуҳаммад полвонни мағлуб этган эди. Бу гал омад хамюртимиз томонида бўлди: у азалий рақибини 4:2 ҳисобида енди.

Финалда эса Нормуҳаммад ака литваллик А.Витискаус устидан галаба қозониб, фахрийлар ўртасида жаҳон чемпиони унвоинга сазовор бўлди.

## Тақдирот

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «FAVOZ FILM» студиясида суратга олинган «Муниис онам» бадий фильмининг тақдироти ўтказилди.**

**“МУНИИС ОНАМ”**

Таниқли драматург Салоҳиддин Сироҳиддинов талқин асосида Лутфулла Саъдуллаев яратган бу фильм ҳозирги воқеалик, замонамиз кишилари, фарзандларнинг ота-она олдиди бурчи, инсон кадр-қиммати ҳақида ҳикоя қилади.

Фильми яратиш гоёсия анчадан буён мени ўйлантириб келарди, — деди фильм саҳналаштирувчи режиссёр Р.Лутфулла Саъдуллаев. — Кўп йиллар давомида кузат-налларим, ўзим гувоҳи бўлган воқеалар, ибратомуз тақдир эгалари ҳақида ёзувчи Салоҳиддин Сироҳиддинов билан суҳбатлашиб қолдик. Икки ой ўтгач, у менга сценарий олиб келди. Уқиб кўрсам худди дилимдаги гаплар. Биз кино бизнесида анчагина тажриба орттирган Баҳодир Аҳмедовга сценарийни бериб, ҳоимий топиладиган бўлса, уни суратга олишга тайёрлигимизни айтдик.

Фильмдаги бош ролларни Гулҳеҳра Саъдуллаева, Фатхулла Маъсудов, Илҳом Фармонов ва Лутфулла Саъдуллаевлар ижро этган. Бундан ташқари, фильмда Светлана Муроджўяева, Тўйчи Орипов, Фаррух Зокиров, Насиба Абдуллаева каби актёр ва санъаткорлар суратга тушган. Қўшиқларни Шухрат Расуллов ва Сулҳида Елқиз ижро этганлар. Фильмининг қанчалик муваффақият қозониши фильм режиссёри айтганидек, нозик дидли талабчан муҳлисларга боғлиқ.

**“Туркистон-пресс”**



Қорақалпоғистоннинг Тахтақўпри тумани республиканиннг энг шимолий худудларидан саналади. Туман шимолӣ томондан Орол денгизи, Қозоғистон республикаси билан чегарадош. Тахтақўприликлар унумли меҳнатдан кейин китоб ўқиб хордик чикаришни ҳам қанда қилишмайдӣ. Туман маданият уйида жойлашган марказий кутубхона 14 мингдан зиёд китоб фонди-га эга.

Суратда: Маданият уйи директори Р.Самдждонова худимлар билан

## Наманган тумани маркази



Т.МАХКАМОВ олган сурат

## АЪЛО КАЙФИЯТ БИЛАН

Канаданин Ванкувер шаҳрида оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионати баҳслари бошланди. Афина Олимпиадаси олдидан ташкиллаштирилган маасур мусобақага вакилларимиз ҳам жиҳдий хозирлик қўйдилар.

Давлат жиҳсоний тарбия ва спорт қўмитасидан билдиришларича, хамюртларимиз мусобақага тайёргралик бошқичини Москва шаҳрида ўтказишган. Чемпионат голлиблари Афина йўлнаманин кўлга киритишларини назарда тутадиган бўлса, россиялик ҳамкасблар тажри-

## Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади инсон турмуш фаровонлигини ошириш, унинг ҳаётий эhtiёжларини қондириш, қобилият ва имкониятларини кенгроқ намоён этиш учун келарди шарт-шароитларни яратишдан иборат. Бунинг учун мулкчилик шаклидан қатий назар қорхона ва ташкилот худимларига амалдаги меҳнат қонунчилигига асосан унумли меҳнат қилиш учун барча шароитларни яратиш бўйиш иш берувчи зиммасидадир.

Бироқ Шўрчи тумани халқ таълими бўлимида амалга оширилаётган ишлар давр талабига жаов бормаиди. Ҳўтувчи ва мурабийларнинг ижтимоий-иктисодий ва ҳуқуқий мафатларини ҳимоя қилишда сансалорликка йўл қўйилмоқда. Соҳа раҳбарларининг «туя қирдинги, йўқ» қабилида иш тутиши сабабли айрим ўринларда тумандаги педагог худимларининг қоний ҳақ-хуқуқлари пой-моил этилмоқда.

— Икки йилдирки, Қори Ниёзий номли 3-умумтаълим ўрта мактабига директорлик қиланам. Ҳўзим, жумладан, 75 нафар ўқитувчиларимиз ҳам 2003-2004 йиллар учун тиббий қўриқдан ўтдик. Бу ондай ишининг муаммоси шундай қўпки, баъзида ҳайрон қолсан қилиши. Катталар поликлиникасида рентгенга тушиш учун 300 сўм тўладим. Баъ-

ҳам тери-таносил касалликларига қариш қўриқдан ўтишга 300 сўм, рентген ва флюорографияга 600 сўмгача нақд тўлаганмиз. Бу тадбирлар бепул эканлиги ҳақида нега туман халқ таълими бўлими раҳбарлари бизга хабар бермаганларига ҳайронман, — дейди мактабининг кимё ўқитувчиси Дилбар Қодиқова.

— Мен «2-кичинтой» болалар боғчасида хамшира бўлиб

## Ажабо!

Ўтишини эшитмаган эканман. Бизга маълум қилишларича, Сурхондарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси таълим ва фан худимлари вилоят касабасида юшма қўмитасига бу ҳақда ёзма хат берган экан. Ажабо, нахотки, бундан тармоқ касабасида юшма қўмитаси раиси Эшмурод Худоевров

зилган ўқитувчилар учун ҳеч қандай маблаг ажратмаган. Хатто, ўқитувчилардан пул олиб, қўриқдан ўтказган врачларимиз ҳам газимизга пул топширмаган, — дейди полиликаника бош ҳисобчиси Т.Сафаров.

Ҳақли савол тўғрисида, хўш шўрчилик муаллимларининг тиббий қўриқдан ўтиши учун тўлаётган пуллари қаерга тушмоқда? Қимнинг манфатида хизмат қилмоқда?

Холбуки, Меҳнат Қонунининг 214-216-моддаларида дона-дона қилиб «Қорхона ва ташкилотларга тиббий қўриқдан ўтувчи худимлар учун, ўзи ишлаб турган ташкилот ёки қорхона доволанш-профилактика муоассасалари билан шартнома тузган ҳолда пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Бунда худимлар чикимдор бўлмаслиги керак» деб ёзиб қўйилган. Қўнунни билмаган кимсалар айби билан муаллимлар беҳуда пул сарфлашга мажбур бўлмоқдалар. Таажуб!

**Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» муҳбири**

## ОТАЛАР ЧОЙХОНАСИ

Яккабоғ кўргонидаги «Тўшбулоо» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Салим Абдуҳалимов савоб ишга қўл урди. У ўз ҳисобидан бунёд этган 50 ўринли чойхонани қариялар ихтиёрига топширди.

Чойхона шинам қилиб безатилиб, қарияларнинг бир пиёла чой устида кўнглили хордик чикаришлари учун барча имкониятлар яратилган. Бу ерда ҳафтанин чоршанба кўнлариди турли тадбирлар ўтказилмоқда. Қўни кеча ўзининг юз ёшини қаршилаган, туман иқтисодийети ривожига муносиб ҳисса қўшган Бекмурод бобо Шамуродовнинг табарруқ ёши нишонланди. Бекмурод бобо ўз ҳаёт йўли ҳақида ёшларга сўзлаб берди. Шундай тадбирлар чойхонада тез-тез ўтказиб турилмоқда.

**“Туркистон-пресс”**

## Бош муҳаррир Мирғиёс КАЮМОВ

**МУАССИС:**

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси

## Таҳрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимжўяева, Маъмура Одилова, Маҳмурод Расуллов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбетов, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

## ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манъилими: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютеризация терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Қорхона манъили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.